

006359

Тариф киймати:
Сув 1 м³ 4650 сўм
Оқава 1 м³ сўм

072

-сонли шартнома

Истеъмолчиларга ичимлик ва оқава суви хизматларини кўрсатиш учун

Урина /
шахар/туман.

«18» 01 2020.

Ушбу шартнома "Тошкент сув таъминоти" МЧЖ Урина /М.Хокимжонов (Ф.И.Ш.) шахар/туман бўлими, кейинги уринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи Н.Х.Пришев (Ф.И.Ш., лавозими) асосида ишолиб борувчи директор Куҷиб бусуббасаркасаги "УКИ" иккинчи томондан, куйидагилар ҳакида тузилиди:

I. Шартнома предмети

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув кувурлари тариф кийматида (ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-майлий ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради. «Истеъмолчи»нинг маний-хўжалик ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжлари учун суткасига зарур бўлган 1000 м³ ичимлик сувини тариф нархларда (ҚҚС инобатга олган ҳолда) етказиб беради ҳамда оқава сувларни қабул қилиб олади.

1.2. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичизи «Таъминотчи»га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вактида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Кондалари» та (кейинчалик матнда – Кондалар деб юритилади), ва Тошкент вилояти хокимининг 2019 йил 13 мартағи № 200-сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м³ сув учун ва канализация хизматларига ҳам 1 м³ 50 сўмдан маҳсус устамида ҳам жорий этилган ҳамда «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва оқава сув чиқариш тизимига уланиш учун рухсат этувчи хужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.4. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувга эҳтиёжи ва сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беринишнинг миқдори ва кувур диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нусхасини тақдим қиласди, «Таъминотчи»ни ўз вактида сув ўтказиш-оқава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳакида хабардор киласди.

II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ҳовлилар, пиёдалар ийлакчаларига ўрнатилган вактдан ташкари сув сепиш, ҳамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиши учун фойдаланиш қатъян ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-майлий эҳтиёжлари, ёнғинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

«Таъминотчи»нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан сув олиб, оқава сувларини «Истеъмолчининг» канализацион тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш шартномасини «Истеъмолчи» билан тасдиқланган «Қоидаларга» мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаптириши, метрология ва сертификатлаптириши агетлиги томонидан тескирилган ва тамгалangan бўлгичи ва сув ўлчаш тармоги сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамгаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг ечиш, киёслапдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.2019 йилдаги № -698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш курилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объективнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва «Истеъмолчи» билан келишилади. Ҳисоблаш курилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» ходими сув ўлчаш тармогини қайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмагандан, ҳисоблаш курилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибида амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш курилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш курилмаларини алмантириш, янги суб-истеъмолчиларнинг уланиши Иsteъmolchi томонидан факат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Иsteъmolchining» сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи хужжатларни илова қилиган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Иsteъmolchi» буюртмасига асосан, амалдаги мезъёр, Қоидалар ва бомба мезъёрни хужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқлади.

2.7. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Иsteъmolchi» ва курилиш ташкилот вакилларининг иштироқида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Лимитдан ортиқча сув истеъмол қилинган ҳолатларда, «Таъминотчи» томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 ортирулувчи коэффициентни қўллаш йўли билан ҳақ ундирилади

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Иsteъmolchining ҳуқуқлari:

а) «Таъминотчи»дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқава сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз хаётни ва соглигига, мулкига хавф түгдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилшини талаб қилиш;

б) «Иsteъmolchi» ҳисобидан ҳисоблаш курилмасини ўрнатиш;

в) тегиши сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқава сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи»дан конунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлапни талаб қилиш;

г) «Таъминотчи»ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилиншишиндан камила 15 кун олдин огохлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқава сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

д) ичимлик сув таъминоти ва оқава сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўклиги ҳакида маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) белуп олиш;

е) "Таъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари хажми ва сифати, уларни амалга ошириши шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳакидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотидан носозлик ва камчилликларни бартараф этиш чоратадибирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун кайта хисоб-китоб амалга оширилишини талаб килиш.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг худудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқава тармоклари ва курилмалариниг мувофиқ равища кўрикланишини, уларга сув тошини ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл кўймаслик, қудук копқокларини кор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, кудуклардан юза оқаваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгинга карши гидрантларга ўтиш йўлларини беркитмаслик, кўрсатилган ёнгинга карши гидрантларништ кўрсаткичлари яхши ишлапшини назорат қилиш;

в) "Истеъмолчи" худудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқава тармоклари ва курилмаларининг устидан иншоотлар курилмаслигини, шу жумладан, ташк (кўча ва квартал ичдаги) сув қувури, оқава тармоклари ва курилмаларининг устидан иншоотлар курилишига йўл кўймаслик.

г) коммунал сув қувури, оқава тармоклари ва курилмаларининг транзит нукталарида хар қандай шикастланиши, бузилишлар ҳакида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор килиш;

д) сувни хисобга олиш приборларида якъол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлитика шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги холат аниқланганда хамда хисобга олинмаган ёнгинга карши гидрантлар мавжудлиги ҳакида дархол ёзма равища ёки алоқа тармоклари (факс, электрон почта) оркали "Таъминотчи"га хабар бериш;

е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, хар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аник етиб олиш ва ушибу кўрсаткичларни "Таъминотчи" жорий ойнинг охирги кунидан кечикмаган холда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;

ё) шартномада белгиланган микдордан ортиқ хажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва оқава сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл кўймаслик;

ж) "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳакида хабардор килиш;

и) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг худудида жойлашган сув ва оқава тармоклари, курилма ва мосламаларининг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;

й) ишлаб чиқариш оқава сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиши концентрациясини меъердаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) оқава тармогига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) "Истеъмолчи" худудида жойлашган сув ўтчаш тармоги, коммунал сув ўтказиш ва оқава тизимларида хар қандай ишларнинг бажарилшига бегона шахсларни кўймаслик;

м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектларига шикаст зарап етказган "Истеъмолчи" дархол "Таъминотчи"га хабар бериши ва етказилган зарапни коплаш учун "Таъминотчи" техник назорати остида ўзи етказилган шикастланиши бартараф этиш ва бехуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг хукуклари:

а) "Таъминотчи" қўйидаги холларда, истеъмолчини 7 кун аввал хабардор килган холда, сув узатишни ва сув чиқариши тўлиқ ёки кисман тўхтатиш хукукига эга:

б) "Истеъмолчи" худудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқава тармоклари, мослама ва курилмаларининг техник холати коникарсиз холатда бўлса ва "Истеъмолчи" техник фойдаланиш коидаларини бузиш натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига кўра бартараф этмас;

в) "Таъминотчи"нинг вакили истеъмолчи худудида жойлашган ва унинг тасарруfидagi бўлган сув узатиш ва оқава тармоклари, мослама ва курилмаларида ишлар олиб бориш, тамға ўрнатишга ва бошка ишларда "Истеъмолчи" томонидан асоссиз халакт берилган тақдирда;

г) "Таъминотчи" томонидан режали олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқава тармокларида ишлар бажарилишида, "Истеъмолчи" уларга уланган бўлса, ва янги "Истеъмолчи"ларни улаш учун ишларни ўтказиша;

д) "Истеъмолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруfидagi коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланий олганилиги аниқланганда;

е) "Истеъмолчи" ўрнатилган муддатларда тўлов хўжжатларига мувофиқ тўловни амалга оширгандан;

ё) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истеъмолчи" тасарруfida бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини бергандан;

ж) "Истеъмолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;

з) энергия таъминоти тўхтатилганда;

и) табиий оғатларда;

й) аварияларда;

к) ёнгинг чиқкан ерларга сув етказишни хажмини ошириши зарурияти туғилганда.

3.4. Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) сув етказилишини узлуксиз ёки тасдиқланган сув берип жадвали асосида таъминлаш;

в) тизимили равишида давлат сув таъминоти ва канализация тармоклари, истеъмол объектлари ва курилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармокларининг холатини ва ишни тизимили назорат қилишини амалга ошириши ва уларни тўғри ишланиши ташкил этишида амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истеъмолчи"лар сувидан оқилона фойдаланиши ва сувдан оқилона фойдаланиши аниқланши, сувни этказиб бериш ва истеъмол қилишини катъий назорат қилиш ва хисобга олиш, саноатга мувофиқлигини мунтазам равнишида назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилинши назорат қилиш;

г) "Истеъмолчи"ларга индивидуал хисоблаш курилмаларини ўз хисобидан ўрнатилганда сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишни текшириш;

д) "Истеъмолчи"лар сув қувур хўжалигининг текшириши (индивидуал хисоблаш курилмаслининг яхши ишлайдиганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган холда) бир ойда кўп билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истеъмолчи"га, ушибу шартноманинг шартларини бажармаган холларида, жарима пея тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истеъмолига оид меъёрий-хукукий ва бошка хўжжатларнинг кабул килингандиги ҳакида "Истеъмолчи"ларни хабардор килиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳаки тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари оркали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқава сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг холати, карзларнинг йўклиги ҳакидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истеъмолчи"га бепул бериш;

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармаслиқда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиккан зарарни, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарниңг ўрнини қоплаши шарт.

5.2. Истеъмолчи қўйидагиаш учун жавобгардир:

а) сув хисоблаш курилмасидаги тамғалар, айланничилиги жўнраги, гидрантлар ва бошқа сув узитиш мосламалари даги кисмларниңг унинг худудида ва тасарруфидаги бўлган тамғаланган хисоблаш курилмаларининг бутунлиги ва сакланши учун;

б) сув тармоқларига ўз бошимча уланиб олиш, совук сувни хисобга олиш курилмаларининг касдан бузилишига йўл кўйиш ҳамда сув хисоблаш курилмалари даги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўзгартирини ҳолатлари учун;

в) конунчилликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

г) ўзбошимчалик билан курилган иншоатлар сабабидан тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса "Истеъмолчи" худудида жойлашган оқава тармоғига ёмғир ва эриган кор сувларниңг тушшишига йўл кўймаслиқ. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда "Таъминотчи" ўрнатилган тартибида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг маъсулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат киласди.

4.3 "Таъминотчи" қўйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги месъерий-хукукий хужжатларниң талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчилликда ва шартнома шартларидаги кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истеъмолчи"ларга сув таъминотига уланиш ва сув чиқариш хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларниңг ўз вақтида ва япончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истеъмолчи"нинг хаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарап, маънавий зарап учун конунчилликда ўрнатилган тартиб ва микдорда, кошлиш;

г) шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслиқ;

д) конунчилликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларниң тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул килинган) сувнинг хисоби хисоблаш курилмаси мавжуд бўлганда, хисоблаш курилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ККСни хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқава тизимида келиб тушувчи оқава сувнинг микдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув микдорига тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмолчи килинучи совук сув микдорига оқава сув тармоқлари хисоби учун 2.0 коэффициенти кўлланилади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, оқава сувларининг микдори ушбу сув курилмаларининг махсулдорлигига ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган хисоблаш курилмаларининг кўрсаткичларига кўпайтирилади. Ичкиси сув таъминоти тизими "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлик бўлмаслиги лозим. Ушбу ҳолат аниқланганда тақдирда, хисоб-китоб шартноманинг 6.3 бандига асосан амалга оширилади.

5.3 Объект эгаси, автоном сув таъминоти(скважина, очик сув хавзаси, ирригация тизими)га ёки марказий коммунал оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда, ИСКХ корхонаси билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан сув олиш ёки чиқариш учун қўшимча рухсатнома тақдим этиши лозим.

5.4. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаси (артезиан скважинаси, қудук, очик сув хавзаси, ирригация тизими ва х.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимида оқоваларни оқизиш учун тўловлар, ўрнатилган наосонинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган хисоблаш асбобининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Истеъмолчига карапли бўлган автоном сув таъминоти манбанинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, "Истеъмолчи" бутун дебиторлик карздорлигини сўнгдариши ва "Таъминотчи" билан чиқиб кетишдан камидаги 7 кун оддин далолатноманинг тузиш ва имзолапи зарур, "Истеъмолчи" чиқиб кетганидан сўнг, тамғалар ва хисоблаш курилмаларининг бутлиги ва кошлинигдан муддат дебиторлик учун жавобгарлик объектиниң янги эгаси зиммасига юклатилади.

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-оқава хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истеъмолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлиб хисобга олиниади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул килинган ичимлик суви ҳажми қувурниңг ўтказиш кобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан қўйдаги формула асосида хисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: M – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;

F – сулолик очиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) m^2 ;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тупши тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вакт- 24 соат, секундларда;

Кўйидаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истеъмолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автомашинада ювилганда;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиқкан, синган, бузилган ҳолатда, пломбалари узилган бўлса сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6.3 бандидаги кўрсатилганга мувофиқ, энг сўнгти тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган)кунгача хисобланади;

Сувни хисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув микдори олдинги уч хисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Хисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп кўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни хисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув микдори I гурух истеъмолчилари учун — ушбу Коидалар 87-бандининг «а» кичик банди бўйича, II ва III гурух истеъмолчилари учун ушбу Коидалар 87-бандининг «б» кичик банди бўйича хисоб-китоб килиниши;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши (утечка) ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алиштириш тўғрисидаги талабномаси кондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг хисоб-китобини олиб бориши бўғинидаги кўйилган ҳимоя копламига рухсатсиз тегилиши натижасида, ичимлик сув соғ сарфини аниқлаш имконияти чегаралганганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқава сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгидан сакланши гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу

тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат киласди. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгти тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янгисув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узид ташланган кунга кадар хисобга олиниади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олиган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" баланедаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарар. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани тошип, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олиниади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тутагач буюртмачи (объектни лойхалаптириш ва қуришини бошлиш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини якунлашгага асос беради.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқава сувини чиқариб юбориш тармоқларига уланиши санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, хоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу кабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиши санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишига ҳақида.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви таъминоти ва оқава сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қиливчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичнида акцентиз тартибида амалга оширилади. Тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечикирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4 % пея ёзди ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси орқали, ҳисбот давридан кейинги 10 кун муддат ичидан тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввали ой тўловнинг 100 % миқдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кеинги ой ҳисобига қўшилади. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичнида тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" хеч қандай огохлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ва оқава сувларни чиқариб юборишни карз ундирилмагунга қадар тўхтатиб қўйини хукуқига эга. Бундай ҳолларда ёнгинаи сақданини ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истеъмолчи" зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқава сув чиқариши тизимидан илгари узиб кўйилган ҳолларда қайта улашда Ш-турӯх истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (үн) баробари миқдорида тўлов қайта улашин амалга оширган ташкилот ҳисобига маблагларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин кор сувлари оқизилётган, ишлаб чиқарип оқава сувларни "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 3 февраль кунида кабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқарип оқава сувларни қабул қилиш қоидалари" хамда ифлослантируви моддаларининг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошига ахоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилгалиги учун "Истеъмолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибида ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганилиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганилиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов талабномаси ва ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилимайди.

VII. Низоларни ҳал этиши тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиқкан низолар, келипшув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келипшувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ судлар томонидан кўриб чиқлади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан илзо келиб чиқкан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибида ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табнат ходисалари ва бошқа енгиги бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошкни, ёнгин, сел, дўл. жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариши муддати енгиги бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичидан бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошлиланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажарилига уч ойдан кўп муддат тўқсинглик қиласа, томонлардан бири шартномани бекор қилиши хукуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиши муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома, имзоланган кундан 5 йил муддат давомида ҳақиқий ҳисобланади. Зарур ҳолатларда шартнома узайтирилиши хам мумкин, бунда томонлардан бири шартноманинг амал қилиши муддатини вактидан аввал тўхтатмаган, "Истеъмолчи" шартнома муддати тугашидан 15 кун аввал "Таъминотчи"ни огохлантирган ва шу вактгача ичимлик сувини етказиб бериш ва канализация хизматлари ҳақини тўлиқ тўлаб қўйган бўлиши лозим.

X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Тошкент сув таъминоти» МЧЖ

бўлимни

Манзили: **«TOSHKENT SUV TA'MINOTI» MCHJ**

Тел: **Ortachirchiq tuman bo'limi (Yuridik shaxslar)**

x-p: **Toshkent viloyati, Nurofshon shahar,**

Банк: **Toshkent viloyati 1-tori ko'cha, 3-uy Tel: 76-21-505**

H/I: **2263 8000 6001 0149 8443**

Банк коди: **"Proteksion bank" ATB Chirchiq filiali**

ХХТУТ: **MFO: 00-478 STIR: 201 577 953 IFUT: 90 213**

Рахбар

М.ў.

«_____»

(Ф.И.Ш.)

UNITAR

ABONENTLAR

TA'MINOTI

ORTACHIRCHIQ

Юридик хулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектларининг шартномавий-хукукий асоси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган.

Хукукшунос _____

«____» 202 ____ й.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI	
"O'ZBEKGIDROENERGO" AJ	
MOLIV BO'Z-SUV GESlar KASKADI" UK	
Mashhur: H/R: 2021 0000 9005 2907 5001 MFO: 01019	
Tel: STIR: 200 588 275 OKONX: 11130 OKED: 35112	
x-p: ATB "TURON BANK" Zangiota tumani filial	
Toshkent viloyati, Yangiyel tumani	
Bank: Nurofshon M.F.Y. 3-GES	
Bank kod: 60-69-050 Faks: +998 71 60-66-951	
XXHTUT: OTIPR:	


